

Қозоғистондаги олий таълим муассасаларида тахсил олган яна 5 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўқишини ТИҚХММИда давом эттиришади

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси мажлисининг 2020 йил 23 апрелдаги 14-сон мажлис баёни қарори билан Қозоғистондаги олий таълим муассасаларида тахсил олган яна 5 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўқишини Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг тавсия этилган бакалавриат таълим йўналишларида масофадан давом эттиради.

Аввал маълум қилганимиздек, Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 2020 йил 4 февралдаги 12-сон баёни билан Қозоғистондаги олий таълим муассасаларида тахсил олган 4 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида 2019-2020 ўқув йилининг баҳорги даврасидан масофадан ўқишни бошлаган.

[Талабалар ҳақида маълумот](#)

Мурожаат учун:

ТИҚХММИ Қабул комиссияси масъул котиби Нарбаев Ш.К. тел. +998946247471

Қабул комиссияси масъул котиби муовини Хожиев А. тел. +998909122526